

ИНГЕБОРГ БАЛДАУФНИНГ ТУРКОЛОГИЯ-ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИ

Юсунова Умида Иномовна

*НамДУ ижтимоий гуманитар йўналишлар
бўйича чет тиллар кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация

Муаллиф ушбу мақолада Германияда вақтинча яшаётган ва таълим олаётган ватандошлар ва А.Гумболдт номидаги Берлин университетининг Марказий Осиё бўлими раҳбари, ўзбек тили ва адабиётининг билимдони, таниқли олима, «Дўстлик» ордени соҳибаси профессор шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети фахрий профессори сифатида республикамиз олий таълим муассасалари тилшунослари ва адабиётшунослари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётганини Ингеборг Балдауфнинг ўзбек адабиёти хусусан жадидчилик тарихида ўрни ва ўзбек адабиёти, туркология борасидаги тадқиқотлари ҳақида сўз юритган.

Калит сўзлар: Ингеборг Балдауф, жадидлар, Беҳбудий, Чўлпон.

The author of this article is compatriots temporarily living and studying in Germany and the head of the Central Asia Department of the University of Berlin named after A. Humboldt, a scholar of the Uzbek language and literature, a famous scientist, a professor with the Order of Friendship, as well as an honorary professor of the National University of Uzbekistan, linguists of higher educational institutions of our republic. Ingeborg Baldauf talked about the place of Uzbek literature in the history of Jadidism, Uzbek literature and Turkology.

Key words: Ingeborg Baldauf, Jadidlar, Behbudi, Cholpon.

Ўзининг интервьюларидан бирида “ Мен ўзбек тилини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, ўзбек адабиётининг етук вакиллари ва уларнинг асарларини ўрганишда давом этаяпман. Ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш ва тадқиқ этиш фаолиятининг асосига айланган десам ҳам хато бўлмайди. Айни пайтда «20 аср бошларида ўзбек адабиёти», «Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Ўрта Осиёда жадидчилик», «Ўзбек адабиёти», «Ўзбек халқ мақол, матал ва топишмоқлари» ва «Ўзбек халқида ҳаж сафарлари» мавзуларидаги илмий изланишлар устида ишляпман” деган эди. Ингеборг Балдауф Бамберг ҳамда Берлин университетларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитилишини ташкил қилган, ҳозир Берлиндаги Гумболдт университетида хорижлик ёшларга ўзбек тилидан дарс беради. Тилшунос олима Германияда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитилишига оид қатор ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар

яратган. И.Балдауф Ўзбекистонда жадиличлик ҳаракатининг ёрқин намояндалари Чўлпон, Бехбудий ва Фитратнинг ҳаёти ва ижодини ҳам чуқур ўрганган. Ушбу изланишлари натижасида «20 аср ўзбек адабиёти» монографиясини ёзиб, немис ва ўзбек тилларида нашр эттирган. У, шунингдек, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» асари ва ёзувчи Учқун Назаровнинг «Чаён йили» романини немис тилига таржима қилган.

Олиманинг ҳақиқий илмпарвар эканини унинг илмий ишлари, мақолаларидан ҳам кўришиб туради. У доим факт ва ҳодисаларни қаердан олганини, кайси матнга асосланганини аниқ кўрсатади. Унинг асарларидаги саналар қайта-қайта текширувдан ўтказилган, жойлар, одамлар, асарларнинг номлари синчковлик билан аниқлаштирилган. Хуллас, олима бирон мақоласида чала муллагликка, билиб-билмай гапиришга, оддий ҳаёт ҳақиқатини баландпарвоз гаплар, ранговар бўёқлар билан алмаштиришга йўл қўймайди. Буларнинг бари чинакам илмийликнинг бирламчи шартидир.

Бу сифатларни Ингеборг услубининг фавқулудда хусусиятлари сифатида кўрсатмоқчи эмасмиз, лекин шунга қарамай, уларни таъкидлаётган эканмиз, бунинг сабаби бор, албатта. Биз, собиқ шуро адабиётшунослари, ўзимизни «адабиётшунос олим» деб атаб, гердайиб юраверган эканмиз, олимлик учун энг зарур сифатлар нима- дан иборат эканини ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз. Ўзимдан қиёс: мен, албатта Бехбудийнинг номини мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ эшитган, ҳатто унинг «Падаркуш»ини урушдан аввал нашр қилинган аллақайси адабиёт дарслигидан ўқиган ҳам эдим. (Бу ўринда дарслик- нинг муаллифию, қачон, кайси нашриётдан чиққанини аниқ айтмаётганим учун узр, 30-йилларда чиққан тўрт- бешта адабиёт дарслиги ва хрестоматияларини Аскар Зуннун докторлик диссертациясини ёзаётганда таваллолар билан, ялиниб-ёлвориб, иши битиши билан кайтариб беришга ваъдалар қилиб, олиб кетганча, ҳали кайтариб беради!) Кейинчалик унинг биографиясига оид баъзи материаллар билан танишдим, айрим узук- юлук хотиралар эшитдим ва шуларнинг узи билан қоникдим. Буни қарангки, салкам ярим аср мобайнида на Самарқандга бориб, на Тошкент кутубхоналарида Бехбудийнинг «Ойна» журнали ва Самарқандда нашр этган газетаси билан танишиб чиқишга қунт қилибман¹. Ҳолбуки, бу журнал ва газетанинг нусхаларидан суратга олиб Америкага жўнатишган ва у ердан бошқа мамлакатларга тарқалган экан.

Олиманинг ўзбек маърифатпарварлари ва жадида адабиёти намояндалари ижоди чуқур таҳлил қилинган “Ҳақиқат излаб...”, “Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда” сингари йирик тадқиқотлари, адабий таъсир ва типология

¹ О. Шарофиддинов. Ингеборг Балдауф: 20 аср ўзбек адабиётига чизгилар. Сўзбоши. 6 бет.

масалалари кўтарилган “Тавфиқ Фикрат ва Чўлпон” номли маърузаси ва шундай характердаги қатор илмий-назарий мақолалари борки, улар ҳақида ҳам илиқ фикрлар айтиш мумкин. Дарвоқе, “Тавфиқ Фикрат ва Чўлпон” тадқиқоти таржима қилиниб, ўзбек вақтли матбуотида ҳам чоп этилган. И.Балдауф ўз фаолияти давомида Алишер Навоий, Чўлпон каби буюк сўз санъаткорлари ижодини Ғарбда кенг тарғиб қилиб келади, улар ижодига бағишланган қатор илмий-амалий конференциялар ташкил қилишда бош-қош бўлади.²

У Наим Каримов, Бегали Қосимов, Шухрат Ризаев, Баҳодир Каримов каби таниқли ўзбек адабиётшунослари билан мунтазам илмий-ижодий алоқалар ўрнатган. Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Германияда ташкил қилинган шундай конференцияларнинг бирида Наим Каримов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шухрат Ризаевлар ҳам иштирок этишган. Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан Берлинда ўтказилган тантаналарда эса профессор Шухрат Сирожиiddинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, навоийшунос Афтондил Эркинов қатнашди.

Мен Ингеборг Балдауфни шарқшунослик соҳасининг атоқли вакили Аннемария фон Габайнга қиёслагим келади. Габайн жуда сермаҳсул олима бўлганлиги сабабли, вафотидан сўнг ўнга яқин шогирди йиллар давомида унинг биобиблиографияси тузиш билан банд бўлишган экан. Ингеборг Балдауф ҳам шарқ мамлакатлари тили, адабиёти ва маданиятининг турли жабҳалари қамраб олинган салмоқдор ва кенг миқёсли тадқиқотлари билан Габайннинг изидан бормоқда. Йирик шарқшунос олимлар Аннемария фон Габайн, Вилле Банг Кауп, Йоханнес Бенцинг, Аннемария фон Шиммел, Карл Ҳайнрих Менгес каби заҳматкаш олимларнинг эзгу анъанасини давом эттираётган олиманинг айтишича, унинг бисотида ҳали чоп этилмаган кўпгина тадқиқотлари бор бўлиб, уларни тез орада ғарб илм оммаси, шу жумладан, бизга ҳам тақдим этиш тараддудида экан.³

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Жаҳон адабиёти», 2016 йил, 12-сон.
2. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. –Т.: Маънавият, 2001. 3–4-бет.
3. Зиёуз.уз
4. Дунё.инфо.уз

² Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. –Т.: Маънавият, 2001. 3–4-бет.

³ Дунё.инфо.уз